



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
бўйқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 30 июнь № 136 (3411) • Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Хўкмати, республика вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

“Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонун, Аёллар йили муносабати билан Хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият курилишидаги ролини кўчатириш, уларнинг ҳўқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кўчатиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, бошқа бир қатор меъёрий-ҳўқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил хотин-қизлар қўмиталари, жамоат ташкилотлари, давлат тузилмаларининг хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт ва давлат курилишидаги ролини ошириш ишида жиддий қамчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Марказда ва жойларда хотин-қизлар қўмиталарига қўйилган асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштирилмаган ва ўз фаолиятини даъвий ўсуллардан фойдаланганидан давлат тузилмалари сифатида қаралмоқда.

Хотин-қизлар қўмиталарининг турли раҳбарлик лавозимларига сайланган ақсарият фаоллар бошлагич хотин-қизлар жамоаларидан ажралиб қолган, улар ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакиллари эмас, балки давлат хизматчилари деб ҳисоблайди.

Натижада хотин-қизларнинг ҳақиқий аҳволи, уларнинг муаммолари ва манфаатлари эътибордан четда қолмоқда.

Хотин-қизлар ҳаракати, ижтимоий ривожланиш, қўйилган бўлган ташаббусни рағбатлантиришнинг муайян масалалари бўйича хотин-қизларнинг реал манфаатлари ва муаммоларини, уларнинг фикр ва тақлифларини аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланган културал ва конференциялар каби хотин-қизлар билан иш олиб боришнинг демократик шакллари амалда ишга солинмапти.

Мазкур қўмиталар ҳодимларининг жамоатчилик ва

жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олдига ҳисобот бериши амалда мавжуд эмас.

Хотин-қизлар қўмиталарининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаси талабга жавоб бермайди. Хотин-қизларга мўлжалланган матбуот органлари ва нашрларда қандай мавзулар ва муаммолар ёритилаётгани, улар ўқувчиларга, биринчи навбатда ёш аёлларга қандай таъсир кўрсатаётгани қўмиталарнинг эътиборидан четда қолмоқда.

Аёлларнинг муайян қисми, айниқса қишлоқ жойларда, хотин-қизлар қўмиталарининг эътиборидан четда қолмоқда, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва шу боис турли жумладан, бузғунчи қуларнинг таъсир объектига айланмоқда.

Хотин-қизлар маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини ҳал этиш ишида маҳаллаларнинг хотин-қиз фаоллари, фуқаролар йиғини, жумладан, аҳоли ўртасида оғру-эътиборга эга бўлган, миллий-диний анъана ва урф-одатларни яхши биладиган ҳамда тегишли анъанавий урф-одат ва расм-русумлар ўтказилишида бош-қош бўладиган аёлларнинг имкониятларидан фойдаланилмапти. Айни вақтда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ушбу хотин-қизларни ҳокимликлар, маҳалла қўмиталари томонидан ўтказилган тадбирлари амалга оширишга фойдаланиш, фуқароларнинг йиғинлари раҳбарлари таркибига кириштириш хотин-қизлар ва ёшлар билан ишладани сезиларли даражада яхшилашга қўмақлашган бўлур эди.

Хотин-қизлар қўмиталарининг фаолияти, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга, шу жумладан, вақтинчалик иш ўринлари барпо этиш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ва хотин-қизларни ишга жойлаштиришнинг бошқа шакллари билан фойдаланишга қаратилиши зарур.

Давлат томонидан кўрсатилган моддий ва бошқа ёрдам билан бирга хотин-қизларга ишлаш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш даркор. Иш билан таъминлаш — хотин-қизлар мустақиллиги, ҳаётнинг фаол ижтимоий, ҳаётнинг позицияга эга бўлишларининг муҳим шартидир. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган барча меъёрий-ҳўқуқий ҳужжатлар ва ференциялар каби хотин-қизлар билан иш олиб боришнинг демократик шакллари амалда ишга солинмапти.

Мазкур қўмиталар ҳодимларининг жамоатчилик ва

усулларни, илғор иш шакллари ва институтларни (скрининг, патронаж ва бошқаларни) фаол ривожлантириш лозим.

Оилада маънавий ва жисмоний жиҳатдан барқамол авлодни тарбиялаш, уни диний экстремизм ва ақидапастлик мафқурасининг онги захарлайдиган таъсирдан, гиҳванлик ва бошқа салбий кўринишлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо қилиш хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг муҳим йўналишига айланиши керак.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини, таълим ва малака даражасини ошириш, уларнинг сайлаб қўйилган вакилик ва бошқа давлат ҳокимияти идораларидаги кенг иштирокини, хотин-қизлар қўмиталари ва юртимиздаги бошқа хотин-қизлар ташкилотларининг халқро хотин-қизлар ҳаракатида, меҳр-мурувват, таълим ва бошқа соҳалардаги халқро тузилмалар фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш масалалари олдига эътиборни талаб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини янада ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат курилишидаги вазифаларини ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли фармони ижросини таъминлаш бўйича ташкилий ва тарғибот чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда “Чора-тадбирлар дастури” деб юритилади) тасдиқлансин.

2. Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек хотин-қизлар билан самарали иш олиб бориш вазифаларини бажариш мақсадида доимий ишлайдиган комиссия тuzилсин.

Қўйилган комиссиянинг муҳим вазифалари эътиборга олинсин:

хотин-қизлар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг аҳолини муаммаз равишда ўрганиш ва баҳолаш, уларнинг оила, жамият ва давлат курилиши вазифаларини ҳал этишдаги ролини ошириш;

(Давоми 2-бетда).



Меҳнат меҳри

Саодат Тоштемированинг номи мирзачўлликларга яхши таниш. У узоқ йиллар давомида Сирдарё вилояти Гулистон туманида турли лавозимларда ишлаб келган раҳбар аёллардан. Аввал пахтачилик бригадаси бошлиғи, сўнгра туман ёшлари етакчиси, туман қасаба уюшмалари қўмитаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. Айни пайтда пиллачилик идорасига раҳбарлик қилиш билан бир қаторда “Шаҳрихон” фермер хўжалигини бошқаради.

— Ҳам она, ҳам раҳбар, ҳам рафиқа бўлиб яшашнинг ўз машаққатлари бор, — дейди Саодат опа. — Истаган имкон, истамаган баҳона топади. Дарҳақиқат, опа имкон қидириб яшайётганлардан. Шу боис ҳам туманда ўз ўрнига эга. Маҳаллада ҳам барчага ўрناق оила бекаси.

СУРАТДА: Саодат Тоштемирова Деҳқонobod шаҳарчаси оқсоқоллари Серкарбек Ҳакимов ва Мирзали Мингбоевлар билан.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Икки палатали парламентга сайлов: назария ва амалиёт

Тошкент давлат юридик институтининг “Икки палатали парламентга сайлов: назария ва амалиёт масалалари” мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоевнинг “Эркин демократик сайловнинг ҳўқуқий асослари”, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари

қўмитаси раиси ўринбосари А.Тўхташевнинг “Маҳаллий кенгашларга сайлов ва Сенат”, Адлия вазирлиги масўлу ҳодими, профессор О.Хусановнинг “Сайлов қончилигида халқро стандартлар”, шунингдек, юртимизда фаолият кўрсатган сиёсий партиялар вакилларининг фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг роли хусусидаги маърузалари тингланди. Тадбирда икки пала-

тали парламентга ўтказилган сайловнинг ҳалқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамияти, кенг жамоатчиликнинг сайлов қонунчилигининг мазмуни-моҳияти билан батафсил таништириб бориш, сайловдаги жараёнларнинг тезкорлик ва холислик билан ёритишда оммавий ахборот воситалари ўрнига алоҳида эътибор қаратилади.

Бехўд НОРБОВ, ЎЗА мухбири.

(Давоми 2-бетда).

«Ғалла — 2004»

Вилоят ғаллакорлари 226.600 тонна, шу жумладан, 130.000 тонна уруғлик донни давлат қабул пунктларига топшириб, шартнома режасини бажардилар.

Андижоннинг сара дони

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йил етиштирилган ҳосилнинг сифатида жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, уруғлик ғалла парваришлаган пайкалларнинг тозаланишга, ўрим-йиғимда шовша-шовшалikka йўл қўймаслик устидан каттиқ назорат ўрнатилди. Техника воситаларидан самарали фойдаланилганлиги эса мавсум мuddатини қисқартириш ва нобудгарчиликнинг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Эришилган ютуққа Избоскан, Олтинқул, Асака, Андижон, Ҳўжаобод, Булоқбoши, Бўз, Марҳамат туманлари деҳқонлари катта ҳисса қўшилди.

Айни пайтда вилоятда ўрим-йиғим мавсуми қизган давом этапти. Ҳосилдан бўшаган ерларни шудорлаш ишлари ҳам режа асосида амалга оширилмоқда.

Одижон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Оромгоҳлар — соғлиқ гулшани

Кўз очиб юмгунча ёз — дам олиш мавсуми тугаб, янги ўқув йили ҳам етиб келади. Аммо бунга қарангизларимиз мириқиб, кўнгилдаги ҳордиқ чиқариши, таътил мавсумини мазмунли ўтказишлари лозим. Айни кунларда табиатнинг соя-салқин, сўлим гўшаларидаги оромгоҳлар болаларнинг шодлиғи, ўйин-қўлгулари билан янада фарахбахш.

Бу йилги мавсумда республикаимизда жами 337 та оромгоҳ фаолият юритмоқда. Уларда жами 170 мингга яқин бола ҳордиқ чиқариши режада шартланган. Тўғри, бу йил оромгоҳлар сони ўтган йилга қараганда бироз кам. Чўнки айрим оромгоҳлар чегара ҳудудларида жойлашганлиги, баъзилари эса аукционга қўйилганлиги, маблағ етишмаслиги сабабли ёпилган. Санитария талабларига жавоб бермаслиги туфайли айрим мактаблар қошида оромгоҳлар таш-

кил этилганлиги ҳам қўрсаткичлар пасайишининг асосий сабабларидан биридир. — Шўнга қарамай, болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни кенгайтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлар, ҳомий ва оталиқ ташкилотлар маблағлари кенг жалб этилган, — дейди Республика Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Озода Мўхитдинова. — Болаларни оромгоҳлар-

да дам олдириш кўрсаткичларини ўтган йил даражасига олиб чиқиш юзасидан барча чоралар қўрилмоқда. Мавсум олдидан Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекс ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида бу тўғрисида махсус қарор ҳам қабул қилинди. Ҳозирда унинг ижроси таъминланмоқда.

Мавсум олдидан ўтган йил якунларига қўра энг яхши деб топилган 16 та оромгоҳ республика комиссияси томонидан рағбатлантирилди. Уларнинг фаолияти кенг тарғиб этилиши тавсия



этилди. 2004 йил — Меҳр ва мурувват йилида Оролбўйи минтақаси Қорақалпоғистон Республикасидан 2000 ва Хоразм вилоятидан 1000 нафар болани Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон, Наманган ҳамда Самарқанд вилоятларидаги хўшманзара оромгоҳларда бепул дам олдириш мўлжалланган. Ҳозирда мазкур режанинг дастлабки қисми амалга оширилди.

Ҳар йилгидек, ёзги мавсумда оромгоҳларнинг электр қуввати, газ, сув, телефон, коммунал-маиший хизматдан фойдаланганлик учун тариф тўлови имтиёзли равишда эзлик фойз қилиб

«Ёзги таътил — 2004»

роқ этмоқда. Ҳа, булар бари шунчаки ҳисобот учун эмас, фарзандларимиз саломатлиги, камолоти олдидаги масъулиятдан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Энг асосий натижа — уларнинг қанчалик даражада самарали бажарилишида.

Тўғри, ҳамма оромгоҳларда шартнома бирдай деб айтиб бўлмайди. Уларнинг асосий қисмида биринчи дам олиш босқини эндигина якунланмоқда. Олдидан икки, баъзиларида учта босқин бор. Ҳали мавсум тугагач, унинг якунлари янада яққол кўринади. Ёзги таътилдан дам олиб қайтаётган болаларнинг мамнун қиёфаси, завқли таассуротлари ота-оналар кўнглига хўшнудлик индира, оромгоҳларда фаолият юритаётган масъуллар учун берилган юксак баҳо бўлиб қолади.

Рустам ЁРЛАҚАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Лангар ота ким бўлган?

Чироқчининг харитасини томоша қилиб ўтириб, Қалқама деган ерга кўзим тушди. «Қалқама... Бахшилар ўлагига қўшадином ном экан», дедим ичимда. Ундан сал тепароқда Лангар деган манзил турарди. Ажабланим. Дунёда Лангари деган ҳам кўп экан-да. Чимкент атрофидаги Лангарни биламан. Бухоронинг Гиждувониди ҳам Лангар бова бор. Қамашининг тўридаги Лангар отага атаб маҳобатли мақбара кўтарилган. Бу ерда яна битта Лангар...

— Биздаги Лангар ота азиз авлиёлардан, — деди туман ҳокими Файзулла Ашуров, — кексаларнинг айтишига қараганда, у киши улўв шайхлардан бўлган эканлар. Бир зиёрат қилиб қўйсангиз ёмон бўлмайди. Қалқаманинг раиси шу ерда юрвди. Хозир топтираман-да.

Раис топилгунча ҳоким билан гурунглашиб ўтирдик. Чироқчининг халқи озгина ўр келади, яъни қайсарроқ бўлади, — деди ҳоким, — лекин кўнглини топсангиз мўрчадек ёпишади ишга. Бурунгилардан қолган бир гап бор. «Шундай ишлагинки, ё отинг қиксин, ё ўтинг» дейди. Уч йил бўлди, ишляяпмиз, қани, кўрайлик-чи, нима чиқар экан...

Раис топилди. У Бекмурод Боймуродов экан. Кўринишидан эллик ёшни қоралаган, лекин аллақачон олтишини уриб қўйибди. Қотма, хоксор. Бекмурод ака мухбирлар билан суҳбатлашавериб пишиб кетган, шекилли, Қалқамага етгунча зериктирмади.

Нихоят, тоғлар бағрига бош қўйган Лангар кишлоғига ҳам етиб келдик. Халқнинг асосий қисми кишлоқ ўртасидаги сой бўйига ўрнашган. Ер етишмаганлари тепага, қир-адирлар бағри-

га уй-жой қилиб чиққан. Кишлоқда сув тахчил, шунинг учун халқ асосан чорва билан, галла билан машғул. Қирлардаги иморатлар олдида сўппайган дархат кўринмайди — сув йўқ. Бекмурод ака, бирон қарияни олайлик, деб масжидга кириб кетди. Бироздан кейин бурунги мударрислардек оппоқ салла ўраб, кўк яқтак кийган савлатли кишини бошлаб қикди. У Абдухалил ака, раиснинг айтишича, Лангарнинг тирик тарихи эмиш.

Лангар ота мақбараси кўхна қабристоннинг тўрида экан. Абдухалил ака вақтни ўтказмай Лангар отанинг қимлигини айтишга тушди.

— Ҳазратимнинг исми шарифлари аслида Абулхасан Ишқий. Бир ривоятда хоразмлик дейилган, биттасида хурсонлик. Ҳар не бўлганда ҳам, ўзимизнинг туркий қавмдан. У киши Баҳовуддин пиримнинг замонларидан анча бурун, ўн иккинчи асрда келганлар бу ерга. Ҳазратимнинг қароматлари бисёр эмиш.

Тепага кўтарилдик. Абдухалил ака мақбаранинг мўъжазгина эшигини очди ва бисмилло деб ичкарига кирди. Ғирашира қорони. Мақбара Шахрисабздаги Амир Темур сағанасини эслатади. Чорбурчак қабр тоши, чекка-чеккада шам қолдиқлари. Бу ерга тез-

тез зиёратчилар келиб туради шекилли, хона су-пириб-сидирилган, озода, туйнукчалардан тоза ҳаво билан нур кириб турибди.

Абдухалил ака авлиёнинг қароматидан сўзлади:

— Ҳазратимнинг бир муриди бор экан. Оботашига қараб турадиган. Ушанда совуқроқ кун экан. Мурид таҳорат суви ҳозирлашга улгурмай қолибди. Ҳазрат чиқиб кўрадики, муридининг кўлида муздек сув тўлдирилган кумфон. Мурид изза бўлиб кумфонни дарров кўлтигига уради. Ҳазрат унга тикилиб тураверади. Дам ўтмай сув исиб, кўлни куйдирадиган бўлади. Ҳазрат, сен етилибсан, энди сенга иршод бергаймиз, деб уни Қамаш, Ғузур тарафларга шайх қилиб тайинлайди. Қамашига борган бўлсангиз, у ерда ҳам Лангар ота мақбараси бор. Уша Лангар ота мана шу ҳазратимнинг шогирди Мухаммад Содиқ шайх бўладилар. Пир комилнинг иззати-га у кишини ҳам Лангар ота деб атайдилар.


Ҳамонки Лангар ота шунчалик соҳиби қаромат экан, нахоти тазкираларда у кишининг таъриф-таъсифи келтирилмаган бўлса, деган хаёлга бордим. Тошкентга қайтган, Алишер Навоийнинг «Насоим ул-муҳаббат» асарини арақладим. Бирдан кўзим ярқ этди. Ҳазрат Навоий сўфийлар силсиласига мансуб юзлаб зоти шарифларни таърифлар экан, 628-фаслда ёзди: «Абулхасан Ишқий хоразмликдур. Силсиласи Шайх Боязид Бистомийга етар, анга тарбият қилгондур. Ўз замо-

нида факр элининг (оддий фуқаронинг) муқаддоси (етақчиси, раҳбари) эрмиш, балки машоихнинг пешвоси Мурид ва асҳоб (суҳбатдошлари) бағоят кўп ва қаромату мақомати андин кўпроқ».

Навоий шунингдек, Ишқий силсиласини давом эттирган Илёс шайх, Абу Мусо шайх, Шайх Султон Сўфий каби саккизта шайх хусусида қизиқарли маълумотлар келтиради: «Худойкул шайх-Абулхасан Ишқийнинг соҳиби сажжодаси (хос ходими) ва Шайхул машоийх экандур... Мухаммад шайх эрса Худойкул шайхнинг ўғлидур... Ўз замонида халойиқ муридиди (пир, раҳнамоси) эрмиш. Султонлар анга муридлик хайсиатидан (сабабидан) иродат келтирибдурлар».

Навоий таърифлаган Мухаммад шайх Қамашда сокин бўлган Лангар ота эканлиги энди аён бўлди. Ҳазрат Навоий ибратли бир ҳикоят билан Мухаммад Содиқ шайх-Лангар ота таъсифига нукта қўяди. Эмишки, бир кун шайх муридлари ила суҳбат қуриб ўтирган экан. Узини олим деб санагунчи бир кимса суҳбатга гап қўшиб шайхнинг жигга тегаверибди. Шайх мундоқ қараса ёнида сув тўла куза билан кафтдек тош турган экан. Тошни олиб кўзанинг озини ёпибди. Шу заҳоти ҳалиги олимнинг товуши ўчибди. У шайхнинг мот қилмоқчи бўлиб анча-мунча масала тайёрлаб келган экан, барчаси хотирасидан кўтарилиб кетибди. Хуллас, суҳбат охиригача бечора олим бир оғиз гап айтолмай қараёт бўлиб ўтираверибди. Ваъз ниҳоясига етгач, Шайх кўза оғзидаги тошни олибди. Даъвога олимнинг шуури равшан тортиб, кўнглига илму ирфон қайтибди. У истиффор келтириб шайх олдида тиз чўкибди ва унга мурид бўлибди.

Содиқул СИЁВ.



Йўловчи поездларининг ҳаракатланиш ЖАДВАЛИ 2004 йил 30 майдан бошлаб

поездлар №	Йўналиш	Бошланғич манзилдан жунаб кетиш куни ва вақти	Белгиланган манзилга етиб бориш куни ва вақти
2	Тошкент-Самарқанд	7.00 жума, шанба, якшанба	10.50 жума, шанба, якшанба
1	Самарқанд-Тошкент	17.00 жума, шанба, якшанба	20.50 жума, шанба, якшанба
5	Тошкент-Москва	18.55 якшанба, сешанба, жума	15.20 чоршанба, жума, душанба
6	Москва-Тошкент	23.16 чоршанба, жума, душанба	19.15 шанба, душанба, пайшанба
50	Тошкент-Самарқанд	19.00 ҳар куни	23.45 ҳар куни
49	Самарқанд-Тошкент	7.00 ҳар куни	11.55 ҳар куни
54	Тошкент-Кўнғирот	17.15 сешанба, шанба	18.10 чоршанба, якшанба
53	Кўнғирот-Тошкент	9.20 пайшанба, душанба	10.25 жума, сешанба
56	Тошкент-Шовот	17.15 душанба	13.20 сешанба
55	Шовот-Тошкент	14.25 сешанба	10.25 чоршанба
332	Тошкент-Саратов	14.50 шанба	11.34 сешанба
331	Саратов-Тошкент	15.43 сешанба	14.37 жума
380	Тошкент-Термиз	17.25 жуфт кунларда	12.31 тоқ кунларда
379	Термиз-Тошкент	14.04 тоқ кунларда	8.00 жуфт кунларда
381	Тошкент-Уфа	21.40 якшанба, пайшанба	3.15 чоршанба, якшанба
382	Уфа-Тошкент	9.38 жума, якшанба	13.25 якшанба, сешанба
391	Андижон-Бухоро	13.40 жума	11.30 шанба
392	Марғилон орқали Бухоро-Андижон	14.05 шанба	12.10 якшанба
395	Марғилон орқали Тошкент-Харьков	20.55 душанба	3.01 жума
396	Харьков-Тошкент	12.03 жума	21.15 душанба
660	Тошкент-Андижон	18.00 пайшанба	8.45 жума
659	Марғилон орқали Андижон-Тошкент	18.35 якшанба	9.25 душанба
662	Марғилон орқали Тошкент-Бухоро	20.00 ҳар куни	7.30 ҳар куни
661	Бухоро-Тошкент	19.25 ҳар куни	7.10 ҳар куни
666	Тошкент-Китоб	20.25 чоршанба, жума	9.50 пайшанба, шанба
665	Китоб-Тошкент	16.40 пайшанба, шанба	5.55 жума, якшанба
917	Кўнғирот-Бейнеу	8.20 ҳар куни	21.25 ҳар куни
918	Бейнеу-Кўнғирот	9.30 ҳар куни	18.40 ҳар куни
323	Душанба-Астрахань	19.55 сешанба, жума, якшанба	11.40 жума, душанба, чоршанба
324	Астрахань-Душанба	16.58 жума, сешанба, пайшанба	12.04 душанба, жума, якшанба
333	Кулоб-Астрахань	9.59 душанба, шанба	11.40 пайшанба, сешанба
334	Астрахань-Кулоб	16.58 душанба, чоршанба	11.40 пайшанба, шанба
336	Ленинобод-Саратов	12.53 чоршанба	11.34 шанба
335	Саратов-Ленинобод	15.43 шанба	16.41 сешанба
367	Душанба-Конибодом	11.32 якшанба, пайшанба	16.34 душанба, жума
368	Конибодом-Душанба	10.28 пайшанба, сешанба	15.31 жума, чоршанба
389	Конибодом-Қўрғонтепа	10.28 шанба	16.40 якшанба
390	Қўрғонтепа-Конибодом	9.43 душанба	16.34 сешанба

«GARANT MEBEL» МЧЖ
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм
59 000 сўм
45 000 сўм
56 000 сўм

Узгурчи харидорларга чегирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

касса техникасига эҳтиёт қисмларни миллий валюта (сўм)да харид қилиш учун танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чиққан кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун Ахборот технологиялари бош бошқармасига мурожаат қилинсин. Мўлоқот қилувчи шахслар — Суханов Вячеслав Михайлович, Ҳамрақулова Ғўзал. Телефонлар: 137-59-35, 137-59-37, ички тел.: 22-15, 22-38, факс: 135-20-90. E-mail: ssukhanov@central.nbu.com www.nbu.com

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну (без НДС) сум.
Цены действительны до 15.07.2004 г. при предоплате 100%	

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ гост 3262-75:

ДУ 15х2,8 мм	795000
ДУ 20х2,8 мм	795000
ДУ 25х3,2 мм	785000
ДУ 50х3,5 мм	780000
ДУ 65х4,0 мм	775000
ДУ 80х3,5 мм	775000
ДУ 100х4,0-5,0 мм	775000

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ гост 10704-91; 10705-80:

76х3,5 мм	775000
89х4,0-5,0 мм	775000
108х3,5-5,0 мм	775000

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с турмуш заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синяровский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommash@ttk.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Нивъабек йули, 1, 7-й этаж, ЭДАНИЕ ИНСТИТУТА «Ўзбеккоммуналлояха».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ (ТДАИ)
Виртуал лабораторияга марҳамат!

«Назарий электротехника ва электроника асослари кафедраси» томонидан лаборатория ишларини ўтказишнинг виртуал кўриниши ҳамда электротехника назарий асосларининг дастурий тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур тизим асосида электр занжирларда рўй бераётган физик жараёнларни компьютер орқали кузатиш имкони пайдо бўлади. Бу эса электр занжирларнинг амплитуда, фаза ва тўлқин хусусиятлари диаграммасини мониторинг ва таҳлил этишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан ушбу виртуал лабораторияга гувоҳнома олинди.

Мазкур виртуал лабораториядан фойдаланишни намойиш этиш мақсадида ТДАИ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда тақдирот таъбири 2004 йилнинг 1 июль, пайшанба куни соат 10.00 да ТДАИ бош биноси, 3-қават, 35-хонада бўлиб ўтади. Мазкур таъбирга барча олий ўқув юртларининг раҳбарларини тақлиф этамиз. Мурожаат учун телефонлар: 133-89-22, 133-69-78.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикасидаги Факултета ва мухтор элчиси Алишер Саломқудировга фарзанди АЛОҲИДДИНнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси Насриёт бўлими бошлиғи Мухаббат Мирқомилловага турмуш ўртоғи Тошкент Фанлар академиясининг академиги Тўлқин МИРКОМИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Рихис Иброҳимовага турмуш ўртоғи Далим ХОДЖАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ахборот билан таъминлаш ва компьютерлаштириш бошқармаси бошлиғи Амин Ситимовга волидан мухтарамаси Зулайхо она САТИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Ирригация ва мелiorация институти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Киришқоқ ва сув ҳужайра вазирилик кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи Ҳакимжон Ҳамидовга падарни бузурқвори Иномжон ота ҲАМИДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг жамоаси институт руҳий касалликлари кафедрасининг ассистенти Шухрат Сулеймановга падарни бузурқвори РАҲИМ отанин вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акциядорлик — тижорат «Тадбиркорбанк» бошқаруви банкнинг Қашқадарь вилояти бошқармаси бошлиғи Норсафар Мусуровга волидан мухтарамаси УДДОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳидинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатда олинган. Буюртма 1—469, 28745 нусхаси босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Козул бичими А—2. Газета ИВМ компьютерлашган тарзда ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Баҳадир Файзуев томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоронди зид материаллар қабул қилинмайди. [1]—Тижорат материалли.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — С. Ҳайдаров. Мусалхих — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.40 Топширилди — 1 2 3 4 5